



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси ижросини самарали таъминлаш, норма ижодкорлиги жараёнида “ақлли тартибга солиш” усуллари кенг фойдаланиши ҳамда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда қонунчилик ҳужжатлари натижадорлигини мониторинг қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ривожлантириш мақсадида:

1. Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 1 860 та қонунчилик ҳужжатлари экспертизадан ўтказилганлиги ва шундан 243 та ҳужжатда 350 та ўз аҳамиятини йўқотган, амалга ошириш механизми билан таъминланмаган нормалар ва ҳуқуқий бўшлиқлар аниқланганлиги ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тегишли тақлифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига молия, кредит, банк, тадбиркорлик фаолияти, ижтимоий ҳимоя, ташқи иқтисодий алоқалар ҳамда божхона иши соҳаларида қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган ўзгариш ва қўшимчалар 1-иловага мувофиқ;

Қонунчилик ҳужжатларидаги ўз аҳамиятини йўқотган, амалга ошириш механизми билан таъминланмаган нормалар ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим ҳужжатлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларидаги ўз аҳамиятини йўқотган ва амалга ошириш механизми билан таъминланмаган

нормалар, ҳуқуқий бўшлиқлар ҳамда коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқласин.

2. 2024 йил 1 октябрдан бошлаб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг (кейинги ўринларда — баҳолаш) соддалаштирилган ва кенгайтирилган тартиби жорий қилинсин. Бунда:

а) соддалаштирилган тартибда лойиҳа ишлаб чиқишидан олдин куйидаги тартибга солиш воситалари баҳоланади ва баҳолаш натижалари юзасидан Адлия вазирлигининг дастлабки хулосаси олинади:

жисмоний ва юридик шахсларга мажбурият, талаб, таққиқ, жавобгарлик ёки бошқа чекловларни белгилаш (кейинги ўринларда — талаблар), уларни ўзгартириш ёхуд талабларга риоя қилишни ёки уларни бажаришни таъминлаш билан боғлиқ таъсир чораларини қўллаш;

► Давоми 2-бетда

ТРЕНЕРЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловига қизғин ҳозирлик кўриломоқда. Марказий сайлов комиссияси томонидан Конституция ва Сайлов кодексида белгиланган муддатлардан келиб чиқиб, 26 июлдан Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов кампаниясига старт берилиб, календарь режа тасдиқланди. Сайловни ўтказиш учун 75 та бир мандатли сайлов округи тузилди.

Сайловни миллий қонунчилигимиз ва халқаро андозалар асосида, юқори савияда уюшқоқлик билан ташкил этишда ташкилотчилар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, уларнинг билим, малака ва тажрибасини янада бойитиш мақсадида Марказий

сайлов комиссияси ташаббуси билан сайлов комиссиялари аъзолари малакасини оширишга оид концепция асосида республика тренерлари учун ўқув-услубий машғулот ташкил этилди.

► Давоми 2-бетда



Тадбиркор минбари

ЭЪТИБОРДАН КЎНГЛИМ ТОҒДЕК КЎТАРИЛДИ



Бир неча кундан буён яқинларим, дўст-биродар, ҳамкасбларимнинг табирик ва илқ фикрлари қуршовида яшайман. Оддий тадбиркорнинг меҳнат ва изланишлари эътирофга муносиб топилганидан миннатдорман. Тўғриси, бундай эътибор, рағбатни кутмаган эдим.

Эҳтиром, ҳурмат-иззат ўз-ўзидан келмайди. Бундан етти-саккиз йил аввал битта лойиҳани ишга туширишнинг ўзи бўлмасди. Бунинг учун турли тўсиқ, қоғозбозликлар ортидан йиллаб сарсон бўлишимизга тўғри келарди. Ишлаб чиқаришга сармоя киритмоқчи бўлган инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаати ҳам қонун билан тўла ҳимояланмаган эди. Зарур инфратузилма тармоқлари ҳақида-ку, гапириш ортиқча. Энди ҳаммаси ўзгарди. Ишлайман деганга барча шароит, имконият, имтиёзлар бериляпти.

Президентимиз бизни нафақат тадбиркор, балки давлат ва жамият тараққиётига ҳисса қўшаётган, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, ҳудудлар ободлиги йўлида самарали хизмат қилаётган ислоҳотчи сифатида қадрлаб, ҳурмат кўрсатиб келяпти. Ҳар йили тадбиркорлар билан тўғридан тўғри мулоқот қилиш тизими йўлга қўйилди.

Паррандачилик учун зарур озуқа базасини яратишга экин майдонлари ажратиш энг оғриқли масалалардан бири бўлган. Бу, табиийки, соҳа ривожини, маҳсулот таннархи ва сифатига салбий таъсир кўрсатиб келарди. Бугун айти муаммоларга барҳам берилди.

► Давоми 2-бетда

Бизнинг суҳбат



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯ ЯХШИ НАТИЖАГА ЭРИШИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ЕЧИМИ

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг энг қадимий тармоғи бўлиш билан бирга ҳар қандай даврда инсониятнинг кундалик ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келган. Кун сайин кўпайиб бораётган дунё аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётган ҳозирги вақтда ҳам аграр соҳа жаҳон иқтисодиётида катта ўрин тутади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш йўлидаги сайёҳаракатлар, янги давр деҳқон фермерлари, томорқачилару тадбиркорларига берилаётган имкониятлар, еру сувдан фойдаланиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар айти шу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларни таҳлил ва сарҳисоб қилиш ниятида қишлоқ хўжалиги вазир, биология фанлари доктори, академик Иброҳим АБДУРАҲМОНОВГА саволлар билан мурожаат қилдик.

— Рухсатингиз билан суҳбатимизни бир оз олдинроқдан бошласак. Биз бир пайтлар пойтахтимизда ўтказилган

Пахта ва тўқимачилик ярмаркасини бошқача қарши олардик. Мазкур тадбирда неча вакил иштирок этгани унинг доирасида қанча шартнома тузилгани хусусидаги хабарларни катта мамнуният билан қабул қилардик. Бугун соҳадаги ишлар кўлами ва йўналишлари тубдан ўзгарди. Чунки Ўзбекистон ҳоризига пахта толаси экспорт қилиш ўрнига қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги мана шундай туб ўзгаришларнинг сабаби ва натижалари ҳақидаги фикрингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Иқлим ўзгариши билан боғлиқ сув танқислиги, ер деградацияси, қурғоқчилик, шўрланиш каби омиллар аграр соҳага таъсирини ўтказмасдан қолмади. Иқлим ўзгаришининг

салбий таъсирини сезилиб турган, аҳоли сони кундан кунга кўпайиб бораётган бир пайтда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари долзарб аҳамият касб этади. Шунинг учун аграр тармоқда кечиктириб бўлмайдиган ислоҳотларни амалга ошириш, соҳада қўшилган қиймат занжирлари орқали юртдошларимиз учун янги иш ўринларини яратиш вазифаси қўйилди. Натижасини эса ўзингиз кўриб турибсиз. Узоқ ўтмишни қўя туринг, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ҳатто бундан 10 йиллар олдин ҳам қишлоқ одамлари эрта баҳордан то кеч кузгача пахта дала-сидан бери келмасди.

► Давоми 3-бетда

АКАДЕМИК МОБИЛЛИК

Замонавий таълим сифатини юксалтирувчи омил

Бугун дунё марказлашган ва режалаштирилган ишлаб чиқариш жараёнидан глобал сановат жамиятига ўтмоқда. Таълим тизимига Европа университетлари интеграциялашувига олиб келган Болоња жараёни жорий этила бошлади. Натижада Сорбонна декларацияси қабул қилиниши билан Европа давлатлари олий таълимини ислоҳ қилиш асносида янги давр бошланди. Бу таълим тўғрисидаги ҳужжатлар, даража ва малакаларни солиштириш, қиёслашни таъминлади.

► Давоми 5-бетда



ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИ: ЙЎҚОЛАЁТГАН МОНОПОЛИЯ

Ишончли, хавфсиз ҳамда барқарор электр таъминоти тизимини яратишга хизмат қилади(ми?)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ БАҲАРАДОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ, СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган имтиёз, преференция ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини жорий қилиш, уларнинг таъсир доирасини кенгайтириш ёки қисқартириш;

б) кенгайтирилган тартибда қўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари баҳоланади;

соддалаштирилган баҳолаш натижалари бўйича иқтисодий, ижтимоий ва атроф-муҳитга таъсири даражаси юқори деб топилган лойиҳалар;

Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари ҳамда баҳолаш соҳасидаги ваколатли органлар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор томонларнинг таклифига кўра кенгайтирилган баҳолашдан ўтказилиши лозим деб топилган лойиҳалар.

Адлия вазирлиги икки ой мuddатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини соддалаштирилган ва кенгайтирилган баҳолашдан ўтказиш услубиётини тасдиқласин.

3. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қўллаш самарадорлигини таҳлил қилиш, баҳолаш фаолиятини комплекс ташкил этиш ва бу борада жорий этилган институтларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш мақсадида 2025 йилдан бошлаб қўйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилсин:

а) ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, ҳуқуқий нормаларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат кучга киргандан сўнг;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадларига эришилганини таҳлил қилиш, унинг ижросини таъминлаш ҳамда баҳолаш учун статистик маълумотларни йиғиш мақсадида ҳар йили маъсул давлат органи томонидан мониторинг олиб борилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадларига эришилганлиги ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида қонуности ҳужжатлари ҳар уч йилда маъсул давлат органи томонидан баҳолашдан ўтказилади;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг мониторинги ва баҳолашдан ўтказилишига маъсул бўлган давлат органи кўрсатилади;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат мониторинги ва баҳолаш натижалари мажбурий равишда Адлия вазирлигига тақдим этилади ҳамда маъсул давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади;

б) қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий мониторинги тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасида ўтказилади;

в) қонунчилик ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳамда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича комплекс режа (кейинги ўринларда — комплекс режа) ҳар йили Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

г) комплекс режа ижроси бўйича Адлия вазирлиги ҳисоботи Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрациясига тақдим этиб борилади.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертлар билан кенг муҳокама қилган ҳолда ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, шу жумладан, баҳолашда, маълумот йиғиш (сўров, фокус гуруҳ муҳокамалари ва бошқа) жараёнига илмий ташкилотлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари кенг жалб қилинади;

б) 2024 йил 1 октябрдан бошлаб: давлат органлари томонидан қонун лойиҳалари бўйича ушбу соҳадаги давлат экспертлик илмий-тадқиқот муассасалари хулосалари мажбурий равишда олинди, қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи лойиҳалар бундан мустасно;

давлат экспертлик илмий-тадқиқот муассасалари хулосалари ва муҳокама натижалари бўйича материаллар лойиҳани Адлия вазирлиги ҳамда ҳужжатни қабул қилувчи органларга киритишда мажбурий тартибда илова қилинади.

5. Адлия вазирлиги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти билан биргаликда икки ой мuddатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини баҳолаш ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишда

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида Бош вазир қотибияти таркибидан 3 та штат бирлигидан иборат Тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва коррупцияга қарши экспертиза бўлими (кейинги ўринларда — Бўлим) ташкил этилсин.

Бунда Бўлимнинг штат бирликлари Адлия вазирлиги тизимидан 2 та штат бирлигини ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси тизимидан 1 та штат бирлигини мақбуллаштириш ҳисобига шакллантирилади.

Қўйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини баҳолаш ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш соҳасида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳамда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг баҳолашдан ўтказилишини ва коррупцияга қарши экспертизани амалга ошириш;

манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро этилиши ҳолатининг танқидий таҳлилин амалга ошириш, натижаси бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва баҳолашдан ўтказишнинг барча bosқичларида жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши юзасидан мониторингнинг амалга ошириш;

қонунчилик ҳужжатларида коррупцияга шартли яратувчи нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш тизимининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

7. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти (кейинги ўринларда — Институт)нинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

ижтимоий муносабатларни тартибга солиш баҳарадорлигини таъминлаш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, тартибга

солиш таъсирини баҳолаш сиёсатини самарали амалга ошириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

қонунчилик ҳужжатларини баҳолашдан ўтказиш орқали ижтимоий муносабатларни самарали ва барқарор тартибга солиш ҳамда тартибга солиш юқини камайтиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини баҳолаш, илмий, ҳуқуқий, коррупцияга қарши ва бошқа турдаги экспертизадан ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, мазкур йўналишларда ўқув курсларини ташкил этиш; қонунчиликдаги муаммоларни таҳлил қилиш, ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғлиқлиги, комплекслиги ва уйғунлиги мониторингини ўтказиш, қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш йўналишларини белгилаш;

етақчи хорижий илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорликни жалдлаштириш, халқаро молия институтлари ва хорижий донорларнинг техник кўмак ва грантларини жалб қилиш;

қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни баҳолаш, илмий, ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича шартнома асосида хизматлар кўрсатиш.

Белгилаб қўйилсинки, Институт ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шарт-шароитлари бўйича Адлия вазирлиги марказий аппарати ходимларига тенглаштирилади.

Адлия вазирлиги икки ой мuddатда Институт фаолиятини самарали ташкил этишни назарда тутувчи Ҳуқумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Вазирлик ва идоралар марказий аппаратларида тузилган стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлимлар зиммасига қўйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

ташкилотнинг норма ижодкорлиги фаолиятига “ақдлий тартибга солиш” воситаларини кенг жорий этиш;

ташкилот томонидан ишлаб чиқилиши режалаштирилатган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини баҳолашда маълумотларни шакллантириш ва уларни Режалаштириш дастурига киритиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари баҳолашдан ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, ташкилотнинг

норма ижодкорлиги фаолиятига, шу жумладан, баҳолаш юзасидан услубий ёрдам кўрсатиш;

қонунчилик ҳужжатлари ижроси мониторингини ўтказиш, шу жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш, унинг барқарорлигини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

9. Стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлимлар, қанда тарихида, тегишли соҳа мутахассислари, иқтисодчи, ҳуқуқшунос мутахассислигига эга ходимлар билан жамланади ҳамда уларнинг ҳар икки йилда камида бир марта мажбурий равишда малакасини ошириш тартиби жорий этилади.

Стратегик режалаштириш ва методология бўйича таркибий бўлимлар ходимлари малакасини оширишни ташкил этиш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

10. Белгилансинки, қўйидаги харажатлар республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг баҳолаш учун маъсул ходимларининг малакасини ошириш бўйича таркибий бўлимлар ходимлари малакасини оширишни ташкил этиш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини баҳолашдан ўтказиш жараёнига илмий ташкилотлар, маслаҳат хизматини кўрсатадиган ташкилотлар ва соҳа экспертларини жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг баҳолаш учун маъсул ходимларининг малакасини ошириш бўйича боғлиқ харажатлар.

11. Давлат органларининг қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини баҳолашдан ўтказиш фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш, баҳолаш, ходимларни рағбатлантириш ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш рейтингини (кейинги ўринларда — Рейтинг) жорий этилсин.

Рейтинг ушбу Фармонга 4-иловада келтирилган баҳолаш мезонлари асосида Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган

Давлат органлари ва ташкилотларининг қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини баҳолаш рейтингини аниқлаш услубиётига мувофиқ қўйилади.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Адлия вазирлиги томонидан ҳар йили йил якунлари бўйича Рейтинг аниқланади ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади;

Рейтингда дастлабки уч ўринни эгаллаган давлат органларининг баҳолашга маъсул ходимларни тегишли давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан олий меҳнат ҳақи фонднинг уч бараваридан кам бўлмаган миқдорда бир марталик моддий рағбатлантирилади;

Рейтинг паст давлат органларининг фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар белгиланади.

13. Адлия вазирлиги (А.Ташкулов): маъсул вазирлик ва идораларга мазкур Фармон талабларининг амалга оширилиши юзасидан амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш борсин;

2024 йил 1 ноябрга қадар Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишининг ягона электрон тизимини ушбу Фармон талаблари асосида такомиллаштиришни таъминласин;

бир ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармонга 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган ҳужжатлар асосида қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини хатловдан ўтказиб, уларни ўз кучини йўқотган деб топиш чораларини кўрсин;

уч ой мuddатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин;

ушбу Фармоннинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва ижроси мониторинги учун маъсул этиб белгилансин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 16 август

Сайлов — 2024

ТРЕНЕРЛАР
МАЛАКА ОШИРДИ

Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари ўтказган машгулотларда етакчи олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчилари орасидан шакллантирилган 104 нафар республика тренери қатнашди.

санаб чиқиш ҳамда сайлов натижаларини чиқариш каби мавзулар юзасидан фикрлашди.

Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тайёрланган мавзуга оид видеороликлар намойиш этилди. Тадбир қатнашчилари амалий машгулотларда намунавий шаклда жиҳозланган сайлов участкасида бевосита овоз беришни ташкил этиш, ўтказиш ва овозларни санаб чиқиш жараёнини амалий жиҳатдан бажариб, ўзлаштирган билимини мустаҳкамлади.

Сайлов комиссиялари аъзолари малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида малакали экспертлар томонидан ўқув режаларига мувофиқ маъруза матни, топшириқ саволлари, тест, тақдирот, инфографика, видеодарслар кўринишидаги ўқув-услубий материаллар тайёрланди. Ўқув-амалий машгулотларнинг барча bosқичлари ушбу ўқув-услубий материаллардан фойдаланган ҳолда, интерактив усулларда ўтказилди.

Ўқувлар якунида тинловчиларнинг тренинда олган билим ва кўникмалари тест орқали синовдан ўтказилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тадбиркор минбари

САЙЁҲЛАР КЎПАЙИШИ
ФАОЛИЯТИМИЗ РИВОЖИГА
ТУРТКИ БЕРДИ

Шодибой БОБОЕВ,

Нурота туманидаги “Сентоб-Шахи-Мустафо” хусусий корхонаси раҳбари, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони соҳиби

Нурота тоғлари шимолий ёнбағрида жойлашган ва қарийб уч минг аҳолига эга Сентоб кишлоғи қадим тарихи, маданий мероси, ўтмиши, миллий қадриятлари ва урф-одатлари бугунги кунга қадар сақланиб қолгани билан алоҳида ажралаб туради. Қоятошларга ишланган V-VI асрларга оид петроглифлар, тоғ тепасидаги кўҳна кўрғон қолдиқлари, XI-XVIII асрларга оид тошга ўйилган ёзувлар ҳамда кишлоқнинг энг юқори нуқтасидаги Фозилмон кўли диққатга сазовор жойлардир. Айни вақтда бу ердан маҳаллий ва хорижий сайёҳлар қадами узилмайди.

2006 йилда кишлоғимизга келаётган сайёҳлар учун қулай шaroитлар яратиш мақсадида биринчилардан бўлиб уй-меҳмонхонаси очдик. “Сентоб-Шахи-Мустафо” хусусий корхонасини ташкил этдик.

Ҳозирги кунда хорижий ва маҳаллий сайёҳлар дам олиш билан бирга халқ амалий санъати дурдоналаридан завқ олиш, миллий урф-одатлар, анъаналар ва таомларини билан танишиши учун барча шaroитларни яратяпмиз. 50 ўринли хостел ва миллий таомлар ошонасини ишга туширдик. Ҳар йили минглаб сайёҳларга хизмат кўрсатиш имконига эгамиз.

Жаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган 25-сессияси доирасида Сентоб кишлоғи “Энг яхши туризм кишлоғи” деб эътироф этилгани ҳамда бир ҳудуднинг янги имкониятларини очди. Сайёҳлар оқими сезиларли даражада ошиши тадбиркорликни янада ривожлантиришга тurtки берди.

Туризм соҳасидаги янги йўналишлар очилиши молиявий тушумларни оширади, энг муҳими, миллий туризм брендини ривожлантириш юртимиз имижига ҳам ижобий таъсир ўтказди.

Айни вақтда Сентоба 20 дан ортққ оилавий меҳмонхона, овқатланмиш, хунармандик устахоналари ва

савдо расталари сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Аҳолининг аксарияти ушбу йўналишда иш билан банд. Тўғриси, энг чекка ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти эл назарига тушади деб ўйламаганим. 20 август — Тадбиркорлар куни арафасида “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланганим ҳаётимдаги энг қувончли ва унутилмас воқеалардан бири бўлди.

Ҳозир кишлоғимиз туризм салоҳиятини янада ошириш мақсадида 2 та пнедалар кўприги, 2 та селфи ҳудуд, 3 та санитария-гигиена шохобаси, кишлоқнинг рамзий кириш стеллажи ва туристик ахборот маркази қурилган. Мавжуд 12 та маданий мерос объекти ва диққатга сазовор жойлар, 15 та табиат манзараси ҳудудларида ободонлаштириш ишлари бажарилиб, туризм йўналишига киритилди. Кишлоққа Буюк Британия, Германия, Франция, Австрия, Россия ва бошқа давлатлардан сайёҳлар ташриф буюрмоқда. Бу ерга ўртача бир кунда 300, бир йилда эса қарийб 45 минг сайёҳ келмоқда.

Келгусида ушбу йўналишдаги фаолиятимизни янада ривожлантиришни режалаштирганимиз. Берилган юксак муқофот бу мақсадларимизни амалга оширишимизда бизга янада ишонч ва шижоат бағишлайди.

ЭЪТИБОРДАН
КЎНГЛИМ ТОҒДЕК
КЎТАРИЛДИ

Бохиржон ТУРДАЛИЕВ,

Бешариқ туманидаги “Водий насли парранда” фермер хўжалиги бошлиғи, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби

Бошланиши 1-бетда

Бизга Бешариқ туманидаги Сирдарё соҳилларига туташган ҳудуддан 500 гектар кам ҳосилли экин майдонлари ажратилди. Авваллари сотиб олган озукабон дуккакли экинларни энди ўзимиз етиштиряпмиз. Шу мақсадда янги техника воситалари харид қилдик, экин майдонлари мелiorатив ҳолатини яхшилаш мақсадида томчилатиб, ёмғирлатиб сўғориш тизимлари ўрнатдик.

Германия технологияси асосида туҳум ва парҳез гўшт етиштиришни йўлга қўйдик. Мўъжаз цехимизда туҳум йўналишида 82 мингдан ортққ парранда парваршиланяпти. Бу ердан барча иш жараёнари автоматлаштирилган, муқобил энергия — қуёш панеллари ёрдамида ишлайди. Изланишларимиз бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Истиқболли лойиҳалар дастурига кўра, жорий йилда туҳум йўналишида қўшимча тармоқ фаолиятини йўлга қўйиш устида ишляпмиз. Бунинг ҳисобига паррандалар сони 500 мингга етади.

Германиянинг “Helmann” компанияси технологияси асосида парранда боқиш товукларини туҳум бериш мuddатини 18 ойдан 23 ойга узайтиради, туҳум бериш даражасини 25 фоизга оширади. Битта товук санаот усулида бир йилда ўртача 330-340 дона туҳум беради. Йиллик ишлаб чиқариш қувватларимиз 60 миллион донадан ортди.

Паррандачилик туманимизнинг драйвер соҳасига айланган. Бу йўналишда иш бошлаётган ташаббускорлар сафи кундан кунга кўпайиб бормоқда. Буларни ҳисобга олиб, Германия технологияси асосида жўжа парваршилаб, аҳоли ва бошқа турдош корхоналарга етказиб беришни йўлга қўйганмиз. Бундан ташқари, янги иш ўринлари яратиш ва даромад манбаларини кўпайтириш мақсадида боғ, иссиқхона, балқичлик ва асаларчилик тармоқлари ташкил қилдик.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯ ЯХШИ НАТИЖАГА ЭРИШИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ЕЧИМИ

Бизнинг суҳбат



Жаҳон миқёсида эътироф этилган пахта ишлаб чиқариш занжирини сертифицилаш органи — VCI офиси ташкил қилди. 2021 йилда Европа Иттифоқи Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларига тузилма ҳудудига божсиз олиб киришни таъминлайдиган GSP+ савдо мақомини берди. Натижада тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари экспорти 2017 йилдаги 1,2 миллиард доллардан 2023 йилда 4 миллиард долларгача ошди.

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда пахта йигим-теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни барқарор этишга қаратилган ишларнинг изчиллиги самараси ўлароқ, 2021 йилда “Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан Ўзбекистон пахтага бойик бекор бўлди.

Эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларига асосланган соҳани сановат асосида ривожлантириш, қўшилган қиймат занжирини яратиш ва ҳосилдорлигини ошириш мақсадида кластер тизими йўлга қўйилди. Пахта етиштиришда давлат бююртмасидан воз кечилди. Пахта хомашёси етиштирувчиларга районлаштирилган ғўза навларини эркин жойлаштириш ҳуқуқи берилди.

2024 йилдан бошлаб пахта хомашёси етиштирувчи хўжаликлар ва кластерлар ўртасида уни етказиб бериш бўйича фьючерс шартномалар тупроқ ҳосилдорлиги нормативлари доирасида Товар-хомашё биржасининг пахта хомашёси секциясида ҳар бир ҳудудда алоҳида ўтказилган савдолар натижаларига кўра тузилиши белгиланди.

Фьючерс шартномага мувофиқ, етказиб берилиши лозим бўлган ҳажмдан ортқича пахта хомашёси етиштирувчилар томонидан тадбиркорлик субъектларига, қайта ишланиши ҳамда қайта ишланган олинган пахта толаси ва иккиламчи маҳсулотлар тўлиқ ҳажмда биржа орқали сотилиши йўлга қўйилди. Булар соҳадаги ислохотларга айрим мисоллар, ҳоло. Ваҳоланки, бундай ўзгариш ва ўсиш ўзимизнинг пахтадан тайёрланган қўшимча қийматли маҳсулотлар экспортида ҳам яққол кўзга ташланади.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида илмий йўналишда қилинаётган ишларни қандай баҳолайсиз?

— Ушбу саволингизни ҳам 2017-2023 йилларда амалга оширилган ишларга оид рақамларни таҳлил қилишдан бошласак. Чунки соҳадаги туб ўзгаришларга пойдевор ана шу йилларда қўйилди, десак муболага бўлмайди. Мана шу мuddат ичида пахта майдонлари 193 минг гектарга қисқартирилди. Яъни 2017 йилдаги 1,2 миллион гектардан 2023 йилга келиб, 1 миллион 12 минг гектарга тушди. Ҳосилдорлик гектарига 24 центнердан 36,6 центнерга етказилди. Ўртача 12,6 центнер кўпайди.

Ҳосилдорлиги паст ғўза навлари ўрнини серхосил, эртапишар, тола сифати юқори, кургоқчилик ҳамда шўрга чидамли навлар



билан босқичма-босқич янгилаш мақсадида эса кейинги 9 йилда 71 та ғўза нави яратилди.

Республика бўйича 2016-2024 йилларда жами 24 та ғўза нави давлат реестрига киритилди. Худудларда ҳар икки йилда экилаётган навни тўла алмаштириш, ҳар йили тегишли нав уруғини бошқа худудлардан олиб келиш орқали уруғ алмаштириш ва йиллик қўшимча уруғ захирасини яратиш мақсадида нав уруғини янгилаш ҳамда “тиндирилган уруғ” экиш амалиёти жорий қилинди. Бу йил 113 минг гектарга шундай усулда уруғ экилиб, 200 минг гектар ерда уруғликлар янгиланди.

Умуман, аграр ва озиқ-овқат соҳасида “илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш” интеграциясини самарали йўлга қўйиш борасида қатор илмий натижаларга эришилган. Бунда айни пайтда соҳада фаолият юритаётган 9 та олий таълим муассасаси, 21 та илмий-тадқиқот институти ҳамда 23 та техникум ва 3 та академик лицейнинг ҳиссаси бор, албатта.

Бугунги кунда соҳадаги олий таълим муассасаларида ўртача илмий салоҳият 45 фоизга етган. АҚШ, Германия, Буюк Британия, Италия, Туркия, Исроил, Латвия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Рос-

сия, Қозғистон каби давлатларнинг етакчи 158 хорижий профессор-ўқитувчиси ва мутахассиси ўқув жараёнига жалб этилган.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ҳамда соҳада “илмга асосланган, амалиётга йўналтирилган (science-based, practice-oriented) таълим” тамойилни жорий этиш мақсадида Буюк Британия Қироллик қишлоқ хўжалиги университети (Royal Agriculture University) билан ҳамкорликда Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ҳамда Умон Султониликнинг “Atyab International Services” компанияси иштирокида Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институти ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигида таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ҳамда агрохизмат кўрсатишининг узвий тизимини ўзаро боғлайдиган Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (АКИС)да Ўзбекистон — Венгрия картошкачилик илмий маркази, Дала экинлари уруғчилиги миллий тадқиқот мажмуаси, Мева-сабзавотчиликда илгор технологиялар ўқув маркази, “Ақли иссиқхона” мажмуаси ва Умон Султониликнинг “Atyab International Services” компаниясининг Озиқ-овқат хафсизлиги, сифат назорати ва халқаро сертификатлаш лабораториялари фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти ва Қишлоқ хўжалиги экинлари генетик ресурслари миллий генбанки фаолияти йўлга қўйилди.



— Кейинги йилларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида эътибор қучайгани ортдан соҳанинг барча тармоқларида ҳосилдорлик ортиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг 12 февраль кўни давлатимиз раҳбари томонидан қишлоқ хўжалигида ишга солинмаган янги захираларни сафарбар этиш чора-тадбирлари муҳокама юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида хориждан серурум чигит ва уруғ олиб келиш, деҳқонларни янги агротехнологияларга ўқитиш, ҳосилдорлигини пахтада 50 центнер, галлада 100 центнерга етказиш мумкинлиги айtilган эди.

— Аслида, қишлоқ хўжалигида илмни фаол қўллаш муваффақият гарови. Бизда ушбу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Яъни ушбу йўналишда қандай иш бажарилмасин ёки ҳужжат қабул қилинмасин, уларда илгор технологияларга алоҳида уруғ берилади. Чунки бусиз нафақат қишлоқ хўжалигини, балки ҳеч бир соҳани ривожлантириб бўлмайди. Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори шундай муҳим ҳужжатлар сирасига қиради. Унга мувофиқ, худудларнинг тупроқ-иклим шароитларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини етиштириш бўйича 100 минг гектар майдон



пахта уруғчилигига ихтисослаштирилди ҳамда пахта уруғчилиги бўйича 47 минг гектар майдон қисқартирилди.

“Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги 11 та уруғлик чигит тайёрлаш цехи Уруғчиликни ривожлантириш маркази балансига ўтказилди ҳамда “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида Жаҳон банкининг 26 миллион доллар кредити йўналтирилди, модернизация қилинмоқда.

Уруғчиликни ривожлантириш маркази тизимида 51 та элита уруғчилик хўжалиги масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилиб, ғўзанинг 15 та эртапишар



Қабул қилинган қонунлар туфайли ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар мустаҳкамланди. Соҳадаги давлат бошқарув органилари ваколатлари белгиланди. Қишлоқ хўжалиги ерларини юридик ва жисмоний шахсларга иккиламчи ижарага бериш амалиёти жорий этилди. Томорқа хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини эркин реализация қилиш ҳуқуқи кафолатланди. Органик маҳсулотларга доир умумий талаблар белгиланди. Ерларни ёки уларнинг қисмларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилди. Тупроқни муҳофаза қилиш ва унумдорлигини ошириш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди.

Давлатимиз раҳбари фармон ва қарорлари билан қишлоқ хўжалиги корхоналари етиштирадиган галлани барча истеъмолчиларга, жумладан, донни қайта ишловчи корхоналар, галлачилик кластерларига биржа савдолари орқали ёки тўғридан тўғри шартномалар асосида эркин нархларда сотиш белгиланди. Шунингдек, пахта хомашёси етиштиришда давлат бююртмаси бекор қилиниб, пахта хомашёсининг харид нарҳини белгилаш амалиётидан воз кечилди.

Пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этишининг ҳуқуқий асослари яратилиб, ҳар бир ҳудудда барча пахтачилик кластерларига фермер хўжаликларини билан шартнома асосида фаолият юритишига ва фермер хўжаликларига ушбу кластерлар билан пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича ихтиёрий равишда фьючерс шартномалар тузишга рухсат берилди.

Дон йўналишида эришилаётган ютуқлар ҳам қувонарли. 2024 йилда республика майдонини 1 миллион 12 минг гектар сувиلى қилинган қарий 9 миллион тонна ёки 2016 йилдан 2,6 миллион тонна кўп бошқоқ дон етиштирилди. 2016-2023 йилларда бошқоқ дон экинлари ҳосилдорлигини 25 центнер кўпайтиришга эришилган.

2021 йил ҳосилидан давлат томонидан галла харид нарҳини белгилаш амалиётидан воз кечилиб, бошқоқ дон экинлари бўйича давлат хариди тўлиқ бекор қилинган, илк маротаба фермер ва кластерларга ажратилган кредитларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи берилган, кейинчалик галланинг давлат эҳтиёжидан ортқ қисмини биржа савдолари орқали харид қилиш амалиёти жорий этилган тармок вакиллари учун катта ёрдам берди. Дон етиштирувчиларнинг манфаатдорлиги ортди. Қолаверса, донли экинлар бўйича Қашқарда Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти, Жиззахда Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти, Қорақалпоғистонда Дон ва шולי илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти йўлга қўйилган тармоқда яхши натижага эришишга туртки берди.

Илмий муассасалар томонидан селекция ишлари жадаллаштирилиб, ҳосилдорлигини ошириш мақсадида биологик эскирган навлар ўрнига янги серхосил, ноқулай об-хаво шароитларига чидамли кузги бугдуй навларининг майдони кейинги 5 йилда 585 минг гектарга кенгайтирилди.

Илмий асосланган илгор агротехник тадбирларни қўллаш ҳисобига 2024 йилда 205 минг гектар майдон лазерли текисланди ҳамда 300 минг гектарга замонавий дон экиш саялкалари ёрдамида экилди. 2019-2024 йилларда 86 минг гектар галла майдонида ёмирилатиб сугориш технологияси қўлланилди. Натижада 142 миллион куб метр сув тежалди. Замонавий саялкаларда экиш ҳисобига 15 минг тонна уруғлик дон иктисод қилинишига эришилди.

Аграр соҳани ривожлантириш, ислохотларни чуқурлаштириш, рақобатбардос, бозор ва экспортга йўналтирилган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш мақсадида

9 та устувор йўналишни қамраб олган Ўзбекистон йўналишида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалигида давлат бошқарувини трансформация қилиш ва ислохотларни янада чуқурлаштиришни жаҳон тажрибаси асосида амалга ошириш бўйича халқаро экспертлар жалб этилди. Соҳанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш юзасидан Қишлоқ хўжалигини трансформация қилишда илмий муассасалар фаолиятини такомиллаштириш, мева-сабзавотчиликни, кластерлар ва кооперацияларни янада ривожлантириш учун Жаҳон банкдан 500 миллион доллар, Япониянинг JICA агентлигидан 200 миллион доллар, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси (IFAD)дан 46 миллион доллар имтиёзли кредитлар жалб этилди. Умуман, бугунга келиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар барча йўналишларда қўлга киритилаётган натижаларда яққол кўзга ташланади.

Ҳозир юртимизда 20 та халқаро ва миллий мувофиқликни баҳолаш органи фаолият юритмоқда. Улар соҳада “Organic”, “Global G.A.P.”, “FSSC 22000”, “ISO стандартлари” талабларига мувофиқ сертифицилаштириш ишларини олиб бормоқда.

Эътибор берган бўлсангиз, асосан, галлачилик ва пахтачилик йўналишидаги ишлар тўхтади. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалигининг тармоқлари кўп. Чорвачилик, шолчилик, мева-сабзавотчилик, поличилик, паррандачилик, ипакчилик, томорқадан фойдаланиш каби йўналишлардаги ислохотлар ва натижалар кўламин кам эмас. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида таҳлил қилиш мумкин. Ўзбекистон аграр тармоғидаги ислохотлар барча соҳаларни қамраб олган.

Замон ривожланиб, бозорлар боғлиқлиги мустаҳкамланиб, дунё аҳолиси ўсишда давом этар экан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ва эҳтиёж ҳам ортиб бораверади. Бугунги ислохотлар эса ана шундай узоқ манзилли дастурлар билан бойитилгани учун аҳамиятлидир.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун қишлоқ хўжалигининг ҳақиқий эгалари бўлиши фермерларимиз таълими, илгор хорижий мамлакатлардаги ҳамкасблари билан тажриба алмашиши орқали замонавий янгиликларни амалиётга жорий қилиш ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам.

Қишлоқ хўжалигида ёшларни мактаб даридан бошлаб қўриб олаш ва уларнинг соҳага қизиқишини ошириш мақсадида Буюк Британия таълим тизими асосида Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ҳузуринда ихтисослашган халқаро мактаб ташкил этилди.

Президентимиз жорий йил 11-12 июль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида Фарғона шаҳрида Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган касб-хунар мактабини очиб берди. Ушбу мактаб аграр ва озиқ-овқат соҳасида ўрта бугун кадрларини тайёрлаш, Лола Муротова томонидан яратилган бой тажрибани ёшларга етказиш борасида қишлоқ хўжалиги йўналишида профессионал ва олий таълимнинг ўзаро интеграциясини таъминлашга хизмат қилади.

Соҳа ислохотлари халқимиз фаровонлиги, иқтисодий тизимини янада ривожлантириш, қўшилган қиймат яратиш, аҳолини барқарор нархларда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан улзуксиз таъминлаш, аграр тадбиркорлигининг моддий манфаатдорлиги ошишига хизмат қиломоқда.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Дилшод УЛУҒМУРОДОВ
суҳбатлашди.

Ўзбекистон — Қозоғистон: Ўзаро ҳамкорликнинг янги уфқлари

Муносабат

Ўзбек ва қозоқ халқлари нафақат қўшни, балки қардош сифатида азал-азалдан бир-бирини тушуниб, қўллаб-қувватлаб келган. Асрлар давомида ёнма-ён, қуда-анда бўлиб яшаган халқларимиз ўртасидаги борди-келди алоқалари ҳозирда кўз ўнгимизда фаоллашмоқда.

1992 йил ноябри — дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён Ўзбекистон ва Қозоғистон ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки ҳамда кўп томонлама ҳамкорликнинг динамик моделини намоён қилишди.

Кейинги йилларда ана шу дўстона муносабат, яқин қўшничилик стратегик шериклик руҳида изчил ривожланмоқда. Ўзаро яқин алоқалар, очиқ мулоқот бугунги глобал дунёда янги кўринишларда намоён бўляпти.

Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаевнинг қатъий сиёсий ирода-си туфайли давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, иттифоқчилик даражасига чиқди. Бу эса ўзаро ҳамкорликнинг энг олий даражаси ҳисобланади.

Агар бу борада рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, икки мамлакат ўртасида ўзаро товар айланмаси ҳамми 2016 йилда қарий 1,5 миллиард, 2018 йилда 3 миллиарддан кўпроқни, 2023 йил натижаларига кўра эса 4,4 миллиард долларни ташкил этди. Умуман, мамлакатимиз ташқи савдо айланмасида Қозоғистоннинг улуши салкам 10 фоиз бўлиб, у бу борада етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Яқин йиллар ичида ўзаро товар айирбошлаш ҳамми 5 миллиард долларга етади. Томонлар бу билан қаноатланиб қолмасдан, ўрта истиқболда мазкур рақамни 10 мил-



Қодир Жўраев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари

Олий Мажлисда депутат ва сенаторлардан иборат Ўзбекистон — Қозоғистон парламентлараро дўстлик гуруҳи ташкил этилган. Худди шундай гуруҳ Қозоғистон парламентида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат парламентарийларининг ўзаро учрашувлари анча жонланди.



лиард долларга етказишни мақсад қилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев тақлифига биноан шу йил 7-9 август кунлари ўшбу мамлакатга амалга оширилган давлат ташири кўп қиррали ҳамкорлик янада кенгайтириш билан бирга мамлакатлар ўртасидаги шериклик ва дўстлик муносабатида янги саҳифа очди, десак муболага бўлмайди.

Мазкур давлат ташири мобайнида сўнгги йилларда эришилган марралар сарҳисоб қилиниб, келгусидаги режалар белгилаб олиниди. Хусусан, икки давлат раҳбарларининг тор ва кенгайтирилган форматдаги учрашувида Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, бизнес-форуми ва қатор маданий тадбирлар муваффақиятли ўтказилгани, 2034 йилга қадар стратегик шериклик ва иттифоқчилик дастури тайёрланиб, ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари раислигидаги кенгаши ташкил қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ташриф доирасида давлатлараро муносабатларда мутлақо янги формат — Ўзбекистон ва Қозоғистон Давлатлараро олий кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз “Бугунги музокаралар амалий ҳамкорлигимизни янада кенгайтиришга, дўст ва қардош халқлар фаровонлигига хизмат қилади”, деб алоҳида таъкидлади.

Ўз навбатида, Қосим-Жомарт Тоқаев ҳам “Музокаралар ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш руҳида ўтди, биз икки томонлама муносабатларни фаоллаштиришдан ўзаро манфаатдор эканимизни яна бир бор тасдиқладик”, деди.

Кўнгина соҳалар қатори парламентлараро алоқалар ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидлаш ўрниликки, кейинги йилларда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик анча жадаллашди ва тобора кенгайиб бормоқда.

Ўшбу ташриф чоғида мамлакатларимиз етакчилари томонидан парламентлараро форум ташкил этиш гоясининг қўллаб-қувватлангани қонун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳаларида ўзаро таъриба алмашиш имконини берди. Парламентлараро муносабатлар ривожига эса, ўз навбатида, Ўзбек ва қозоқ халқларининг бир-бирига янада яқинлаштириш, иккала мамлакатнинг ҳамкорлик



алоқаларини юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Шу билан бирга, олий даражадаги ташрифлар давомида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, инвестициявий ва технология, маданий-гуманитар, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларда эришилган ақдлашувларни ҳаётга тўлиқ жорий қилишга тўртки бўлади.

Остонада бўлиб ўтган музокара-лар, бизнес-форум ва ишбилармонлик учрашувлари чоғида умумий қиймати 7 миллиард долларлик шартнома ва келишувлар имзолангани ўзаро муносабатларнинг келажаги порлоқ эканидан далолат беради.

Сув ҳўжалиги, маданий-гуманитар соҳаларда алоқаларни кенгайтириш,

транзит ва транспорт тарифларини оптималлаштириш масалалари бўйича эришилган келишувлар ҳам эътиборга молик. Бу ташаббуслар икки давлат фуқаролари ҳаётини ҳар томонлама яхшилаш, фаровонлигини мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Экология, туризм, илмий тадқиқотлар, савдо-иқтисодий кооперацияни ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу қисқа ва ўрта муддатли истиқболда икки томонлама иқтисодий алоқалар ривожланишига тўртки беради.

Ташрифнинг муҳим жиҳатларидан яна бири, унинг доирасида Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашуви ўтказилди. Бу эса минтақа мамлакатлари ўртасидаги сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва экология соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинуви фаоллаштириш, замонавий таҳдид ва хатарларга биргаликда қарши курашиш масалаларини юзма-юз муҳокама қилиш имконини берди.

Шубҳасиз, ўшбу форматдаги учрашувлар Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш билан бирга икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга тўртки беради.

Президентимиз ўз нутқида минтақада бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги умумий сазй-ҳаракатларни юқори баҳолаб, очиқ ва самарали мулоқотлар, илгари сурилган муҳим ташаббуслар, ишга туширилган кўп томонлама лойиҳа ва дастурлар, амалга оширилган қўшма тадбирлар ҳамда шу каби бошқа ҳаракатлар минтақа қиёфаси ва имижини тубдан ўзгартирганини таъкидлади.

Минтақа мамлакатлари самарали ҳамкорлик қилиб, муҳим масалаларни ҳал эта бошлагани, ўзаро савдо, инвестициялар, юк ташиш ҳажми, фуқароларнинг ташрифлари бир неча баробар кўпайгани, хорижий давлатларнинг минтақага қизиқиши сезиларли даражада ошгани алоҳида қайд этилди.

Марказий Осиё мамлакатларининг фаровонлиги кўп жиҳатдан умумий сазй-ҳаракатларга, яқиндан ҳамкорлик қилиш, минтақа манфаатларини биргаликда илгари суришга тайёрликка боғлиқ. Бу борада стратегик ҳужжат — Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш тақдир этилгани диққатга сазовор.

Президентимиз Минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг 2040 йилгача мўлжалланган концепцияси қабул қилинишини қўллаб-қувватла-

ни ҳамда Марказий Осиёда стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги кўп томонлама битимини тайёрлаш ҳақидаги тақдир икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш билан бир қаторда минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг янги истиқболларини очигаҳи ишонгани.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги уфқларни белгилаб берди. Ташриф давомида қатор соҳаларда муҳим келишувлар имзолангани мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожидан катта аҳамият касб этиши билан бирга қардош ўзбек ва қозоқ халқлари фаровонлигига хизмат қилади.



ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИ: ЙЎҚОЛАЁТГАН МОНОПОЛИЯ ИШОНЧЛИ, ХАВФСИЗ ҲАМДА БАРҚАРОР ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ(МИ?)

Энергетика тармоғини ривожлантириш ва барқарор фаолиятини таъминлаш, энергия манбалари ҳамда генерация қувватларини кўпайтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Мамлакатимизда кейинги йилларда бу соҳада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Электр ва газни тежаш бўйича туманбай дастурлар қабул қилинди. Хонадонлар ва ижтимоий объектларда ўрнатилган қўйш коллекторлари ҳисобига электр энергияси тежалмоқда.

Аҳолининг иқтисодий фаоллиги ва даромади ўсиши тўғрисидаги энергия манбалари талаб ҳам ортиб бормоқда. Бу эса улардан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликнинг олдини олишни тақозо этаётди. Шу мақсадда 2024 йилда ҳудудларда электр энергияси ва табиий газни тежаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар шакллантирилди. Бу тизим ишлаб чиқаришга халал бермаган ҳолда энергия истеъмолини самарали ташкил этиш орқали муайян ҳажмларни тежашни назарда тутиши билан аҳамиятли.

Шунингдек, истеъмолчиларни энергия аудитидан ўтказишнинг янги тартиби жорий этилмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутувчи “яшил” иқтисодиёт, “яшил” энергетика таъминотларини амалга ошириш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда Бухоро, Жиззах, Қашқадарь, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарь вилоятларида 1,6 гигаваттлик 9 та қўйш ва шамол электр станцияси тармоққа уланди ҳамда Андижон, Самарқанд, Сурхондарь ва Тошкент вилоятларида 183 мегаваттлик 6 та ГЭС ишга туширилди. 2030 йилга бориб, Ўзбекистонда қайта тикланивчи энергия қувватларини 25 минг МВтга етказиш кўзда тутилмоқда. Бу табиий ресурсларни тежаш орқали атмосферага иссиқхона газлари чиқишининг олдини олиш имконини ҳам беради.

Энг муҳими, қайта тикланидиган энергия манбалари улуши умумий энергия балансида яқин йилларда 40 фоизга етказилиши аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг электр энергиясига эҳтиёжи ва минтақада энергетик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Ана шундай амалий ишлар баробарида соҳанинг ҳуқуқий асослари ҳам такомиллашяпти. Айтиш жоизки, бу соҳада амалдаги қонун 2009 йилда қабул қилинган, унда электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори, жумладан, соҳада рақобатни қўллаб-қувватлаш механизмлари назарда тутилмаган. Электр таъминотининг ишончли, хавфсиз, барқарор ҳамда кам харажатли ишлашини таъмин-



лайдиган нормалар акс эттирилмаган, истеъмолчиларнинг нарх ва хизматлар кўрсатиши сифати бўйича манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари белгиланмаган. Шу боис, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради.

Жорий йил 7 августда Президентимиз имзолаган “Электр энергетикаси тўғрисида”ги қонун 10 та боб, 68 та моддадан иборат. Ўшбу қонун “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган ислохотларни давом эттириш мақсадида Туркия, Грузия, АҚШ ва Европа Иттифоқи каби ривожланган давлатлар таърибларини инобатга олган ҳолда халқаро молия институтлари, хусусан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва USAID тавсиялари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимизнинг электр энергетика соҳасини ислох қилиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Қонунда мамлакатимизнинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, истеъмолчиларнинг нархлар, ишончли ва сифатли электр таъминоти бўйича манфаатларини ҳимоя қилиш, самарали, шаффоф ва рақобатли электр энергияси бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш, хусусий сармояларни жалб қилиш борасида умумий қоидалар белгиланди, — дейди Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги директори Шерзод Хўжаев. — Мазкур қонун юртимизда саноатни ривожлантириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш энг муҳими, ишончли, хавфсиз ҳамда барқарор электр таъминоти тизимини яратишга хизмат қилади.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири электр энергетика секторидagi монополиянинг бекор қилинишидир. Шу вақтгача электр энергетика бозори монопол бўлиб, бу янги иштирокчилар ва инновациялар имкониятини чеklang қўйган эди. Монополия бекор қилиниши билан янги иштирокчилар учун имконият очилди. Бу эса рақобатни ривожлантириш ва хизмат сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Қонунда электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, сақлаш, истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлаш, марказий


харид қилувчи функцияларини бажариш, электр энергияси савдоси Энергетика бозори регулятори томонидан берилган лицензия асосида амалга оширилиши белгиланган. Бу эса ўшбу фаолият турларини амалга ошириш сифати доимий назорат қилинишига амал бўлади.

Шунингдек, қонунда электр энергияси бозорининг ҳар бир иштирокчиси мақоми, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги ҳамда улар ўрта-сида адолатли ва очиқ рақобатни таъминлайдиган механизмлар аниқ белгиланган. Бу инфратузилма ва бозор маълумотларига тенг кириш шартларини, шунингдек, шартномалар тузиш ва нархларни тартибга солишнинг шаффоф процедураларини ўз ичига олади.

Эндиликда бозор ва унинг иштирокчилари фаолияти, нархлар механизми, тарифларни қўллаш ва электр энергияси бозоридagi ўзгаришлар динамикасини ўз ичига олган йиллик ҳисобот Энергетика бозори регулятори томонидан эълон қилиб борилади.

Яна бир муҳим жиҳати, қонунда ижтимоий ҳимояга муҳтож истеъмолчиларни қўллаб-қувватлашга оид нормалар ҳам ўз аксини топган. Ўшбу истеъмолчилар учун қулай тўлов шартларини жорий қилиш, олдиндан ҳисоблагичларни ўрнатиш, таъминотини вақтинча тўхтаб туришдан озоқ қилиш ва бошқа тўғриван тўғри ижтимоий ёки моддий ёрдам кўрсатиш каби чоралар белгиланишини назарда тутади.

Янги қонун тарифларни шакллантириш учун қатъий қондаларни жорий қилади. Бу ҳақиқий ишлаб чиқариш ва узатиш харажатларини ҳисобга олиши, шунингдек, етказиб берувчилар учун адолатли фойда қўришни таъминлайди. Шу билан бирга, ўшбу қонун истеъмолчилар ҳуқуқларини



ҳимоя қилишга қаратилган муҳим қоидаларни ўз ичига олган. Ассосиз тарифлар ва сифатсиз хизматлар нозасидан шикоят қилиш, шикоятларни кўриб чиқиш ҳамда истеъмолчилар ва етказиб берувчилар ўртасидаги низоларни тартибга солиш механизмлари киритилган.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан, уч ой ўтгача кучга кирди.

Баҳор ҲАЗРАТҚУЛОВА, журналист

БУГУНГИ ДЕҲҚОН БИР ТУРДАГИ МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ БИЛАН ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАЙДИ

Аграр тармоқ

Сезяпсизми, юртдошларимиз лўғат бўлигидан кейинги пайтларда “Э, бўлмайти, далада ишлаб, ота-бобларимиз қосаси оқармаган, бизники оқармиди?” деган, узок йиллар давомида қўлоғимизга сингиб кетган гап қамайгандек. Бунинг боиси нимада? Назаримизда, бунинг сабаби мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига, тадбиркорларга берилаётган шарт-шароит ортдан ер билан тиллашиб, яхшигина даромад олаётган, меҳнатнинг тағи роҳат эканини бошқаларга кўрсатиб қўяётганлар сафи ортиб бораётганида. Қолаверса, худудларнинг тупроқ-иклим шароитлари инобатга олиниб, ихтисослаштирилаётгани ҳам бунда катта аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йилларда Қашқадарь вилоятининг Яқлаб, Миршикор, Касби, Наманганнинг Қосноб, Поп, Чуст, Янгиқўрғон, Самарқанднинг Қўшробот, Сурхондарьнинг Жарқўрғон, Сариев, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Зомин, Тошкент вилоятининг Оҳангтон туманларидаги айрим худудлар бодом етиштиришга ихтисослаштирилди. Жарқўрғонда боддорчилик ривожига билан боғлиқ муайян чора-тадбирлар белгилаб олинган. Тўғри, туманда сув танқисроқ, иклими иссиқ, лекин худуд қир-адирликлар бодом етиштириш учун қулай. Камар маҳалласидаги “Сурхон олтин меваси” масъулияти чеklangан жамиятига қарашли боғ ҳам илгари рентабеллиги атиги 15 центнер бўлган пахта даласи эди. Бугун бу ерда 100 гектарга яқин боғ мавжуд.



Боғнинг 14 гектарига 17 минг туп бодомнинг серҳосил ва экспортгоп навлари экилган. Бир йилда ўртача 28 тоннагача бодом териб олинар экан. Жамият етиштирилган маҳсулотни 2022 йилдан буён Туркияга экспорт қилиб келмоқда. Утган йили 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, жорий йилда 2 миллиард сўмлик бодом туркияликларга етказиб берилди.

— Биз парваршилаётган “Техас” ва “Сурхон” навлари жуда ҳосилдор ва иклимга мос. Шу боис, ўтган йили 22 тонна ҳосил олдик. Бу йил 30 тоннани мўлжаллаб туримиз, — дейди иш бошқарувчи Уктам Ҳимматов. — Бодом данаги қобилиги ҳам чорва учун самарали яхши озуқа. Унинг бир тоннасида 300-350 кило қобик чиқади.

“Техас” ва “Сурхон” навлари ҳам қўрғоччиликка жуда чидамли бўлиб, жой танламайди, сувсиз, тошлоқ ва тоғнинг умумсиз жанубий ёнбағирларида ҳам яхши ўсади.

Ҳосилни йиғиш даври минтақа ва етиштириладиган навга қараб ўзгаради. Бу, асосан, июль ўрта-сида бошланиб, сентябрь ойларига давом этади. Сурхон воҳаси бошқа худудларга нисбатан иссиқлиги, баҳор эрта келиши ҳисобига май-июнь ойидаёқ ҳосилни йиғиштириб олишга киришади.

“Сурхон олтин меваси” масъулияти чеklangан жамиятининг умумий ер майдони 908,6 гектарни ташкил этади. Бу майдонга шафтоли, ўрик, узум, олхўри ва бодом каби мевали дарахтлар экилган. 2023 йилда корхона жами 35 минг гектар боғ ва 10 минг 88 гектар тоқоз мавжуд. Жорий йилда 811 гектар бодомзор яратилди.

Яна бир гап, бугунги кун миришқори, ишбилармони бир маҳсулот етиштириб, фойдани айна шундангина қўзламайди. Бодомзор билан ёндош 50 гектар майдонда шафтолизор ҳам барпо этилган. Бу ерда унинг эртанилар навлари экилган. Меваси, асосан, Россияга экспорт қилинмоқда. Жумладан, бодом ўтган йили 320 тонна ҳосил етиштирилган бўлса, шундан 120 тоннаси хорижа чиқарилиди. Бу ишлар учун кунига 200 дан ортиқ мавсумий ишчи жалб этилган.

Дунёда табиий ва тоза маҳсулотларга талаб ҳар доим юқори бўлиб келган. Шу боис, Сурхондарь вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини йил сайин юқорилаб бормоқда.

Сарвар Тўраев, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

АКАДЕМИК МОБИЛЛИК

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЮКСАЛТИРУВЧИ ОМИЛ

Тараққиёт одимлари

Талабаларнинг ички академик мобиллик орқали ўқишини ташкил этиш ваколатини олий таълим муассасаларига ўтказиш эса улар мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Жаҳонгир ҚАРШИБОВ,
биология фанлари доктори,
доцент

Бошланиши 1-бетда

Илим-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви кадрлар тайёрлаш тизимида катта имкониятлар яратди. Университетларнинг халқаро рейтинг олий касбий таълим бозорига рақобатбардошликни аниқлашда муҳим аҳамият касб эта бошлади. Таълим хизматларининг университетлар даражасини аниқлаш имконини берувчи халқаро стандартлари шакллантирилди.



Айни пайтда Марказий Осиё давлатлари олий таълим тизимида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Мутахассислар фикрича, Марказий Осиё давлатлари олий таълим тизими эски услубдаги олий таълим тизимидан постиндустриал давр олий таълим тизимига ўтиш босқичида ва бу жаҳон глобал тенденциясига мос келади. Бунинг қатор асосий белгилари мавжуд. Жумладан, таълим ўқитиш хизматлари бозорда муайян товар кўринишида намоён бўлмоқда. У энди фақат билимлар мажмуаси бўлибгина қолмай, жамият фаровонлигини оширишда самарали иштирок этиш учун зарур бўлган, истеъмолчи томонидан сотиб олинган маҳсулот ва кўникмаларни шакллантиришга имкон берадиган омил ўларок юзага чиқди.

Олий таълим тизими муҳим ўзгаришларни бошидан кечирди. Жумладан, ОТМлар сони ва қабул квотаси ошиши натижасида яқин йилларда битирувчилар ўртасида кучли рақобат муҳити юзага келиши кутилмоқда. Бундай вазият ОТМлар олдига улкан вазифалар қўяди. Шу туфайли жадал ривожланаётган жамият талабларига жавоб берадиган



Шунингдек, таълим истеъмолчи сотиб оладиган, бозорда қўллаш мумкин бўлган, трансмиллий корпорациялар, тадбиркорлик тузилмаларига айлантирилган илмий муассасалар еки бошқа баъзи провайдерлар сотиб оладиган маҳсулот яратишга хизмат қиладиган кўникмалар тизимини шакллантириш имконини берадиган мутахассис этиштирувчи тизимга айланган. Бу глобал бозор қондалари бўлиб, ушбу объектив жараён Ўзбекистон олий таълим тизимига ҳам, албатта, таъсир қилади.

муносиб мутахассислар тайёрлаш вазифаси бугунги олий таълим тизими олдига турган энг долзарб масалалардан. 2020 йилда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш тартиби жорий қилинди. Ўқув жараёнига кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизими жорий этилишини қатор муаммолар ечими сифатида кўриш мумкин. Янги тизим туфайли бир қанча қулайликлар вужудга келди. Жумладан, талабаларда мустақил таълим олиш, фан ва профессор-ўқитувчиларни танлаш, академик мобиллик дастурлари доирасида бошқа ОТМда ўқиш, Европа давлатлари битирувчилари билан рақобат қилиш имконияти пайдо бўлди.

Мамлакатимизда ОТМ талабалари, ўқитувчилари ва маъмурий ходимларининг академик алмашинуви катта эътибор қаратишмоқда. Бунга сабаб академик ҳаракатчанлик Ўзбекистон университетларининг халқаро таълим маконига интеграциялашуви жараёнининг муҳим йўналишларидан бири эканлидир. Қолаверса, бу ўқитиш сифатини таъминлашдаги шартлардан ҳисобланади. Унинг қатор асосий йўналишлари мавжуд. Жумладан, талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда раҳбар кадрлар мобиллигини ошириш мақсадида етакчи ОТМлар билан илмий, академик ҳамда иқтисодий ҳамкорликни қўлайлаштириш чоралари кўрилади. Европа кредит-модуль тизими талабалари даражасидаги юқори малакали кадрлар тайёрлашга эришилади. Шунингдек, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг халқаро ҳамкорлик лойиҳаларида иштирокини жадаллаштириш, хорижий ОТМлар билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, илмий-



фессорлар ва тадқиқотчиларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб ўтиши асосий тенденциялардан. Бу объектив жараён бўлиб, аксарият ҳолларда малакали мутахассис моддий жиҳатдан яхшироқ рағбатлантирилгани учун еки бошқа сабабларга қўраши жойини ўзгартиради. Кадрларимиз муайян муддатга чет элга кетиб, яхши тажриба, янги билим, кўникма ва малака орттириб, мамлакатга қайтса ва ишлаша, катта ижобий натижа бериши аниқ. Бу вазиятда педагог ходимларни адолатли меҳнат шартини билан таъминлаш, хизматини рағбатлантириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўриш лозим.

Янги ташкил қилинган таълим муассасаси бўлишига қарамай, Гулистон давлат педагогика институтида бу йўналишда муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, ОТМнинг салоҳиятли профессор-ўқитувчилари академик мобиллик дастури доирасида Буюк Британия, Бельгия, Германия, Россия, Беларусь, Қозғистондаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ички мобиллик доирасида илмий педагогик жамоамиз Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети каби илмий олий таълим муассасалари билан алоқаларни мустаҳкамлади. Ўтган йили сентябрда Гулистон давлат педагогика институтининг икки профессор-ўқитувчиси Туркиянинг Балikesир университетида илмий стажировкада бўлиб қайтди. Уларнинг сафари Туркия таълим тизими билан яқиндан танишишга қаратилган эди. Бу йил апрелда институтнинг тўрт профессор-ўқитувчиси Қозғистон миллий университетида илмий стажировкада бўлиб қайтди. 4-11 май кунлари бир ўқитувчимиз Беларусь давлат педагогика университетидан малака ошириш курсида педагогик синфлар ташкил қилиш бўйича Беларусь тажрибасини ўрганиб қайтди. 15-19 май кунлари институтнинг бир доценти Қозғистон федерал университетининг

Филология ва маданиятлараро алоқа институтида “Педагогик синфлар фаолиятини ўрганиш” мавзусидаги семинар-тренингларида иштирок этди.

Академик мобиллик олий таълим тизимида юқори кўрсаткичга эришишнинг муҳим омилларидан. Бу ўқув муассасаларини бир-бири билан солиштириш, муҳим жиҳатларини ўзлаштириш ва жорий этиш орқали олий таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Мобиллик ОТМлар тузилмалари, давлат таълим стандартлари, ўқув режаларини такомиллаштиришга замин яратди. Унинг иштирокчилари талабалар, олий таълим муассасаларининг академик ва маъмурий персоналлари бўлиши мумкин. Аслида, халқаро мобиллик глобал меҳнат бозори шароитида касбий моллашши ҳамда таълимни давом эттириш имконини беради.

Ички академик мобиллик талаба ва унинг ота-онасига қулайлик яратди. Масалан, бир талаба ўзи яшайдиган жойдан бошқа, узоқроқ ҳудуддаги олийгоҳга ўқишга кирса-да, бориб ўқишга, ётоқхонада яшашга имкони бўлмаса, академик мобиллик асосида ўз ҳудудидаги ОТМда муайян муддат ўқиши мумкин. Бунда муҳим талаб шуки, билим соҳаси, таълим йўналиши ва фанлар ўзаро муносиб бўлиши керак. Талаба муайян муддат ўқигани ҳақидаги маълумотни асосий ўқиш жиғига тақдим этади. Тегишли фанларни ўзлаштирган, кредитларни тўплаган ҳолда асосий олийгоҳда таъхилни давом эттириши мумкин.

Ўқитиш соҳасидаги ишловотлар долзарблиги ҳамда амалий аҳамияти билан бошқа жабҳалардаги янгиликлардан асло қўшмайди. Чунки бу давр талаби. Мамлакатимиз таълим тизими халқаро стандартларга интеграциялашмоқда, самарали тажрибалар амалиётга таъбиқ этиляпти. Мақсад таълим сифатини яхшилаш, ўқув жараёнини бозор эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкил этишга қаратилган. Талабаларнинг ички академик мобиллик орқали ўқишини ташкил этиш ваколатини олий таълим муассасаларига ўтказиш эса улар мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Нуқтаи назар

ИЗЧИЛ МУЛОҚОТ САМАРАСИ

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан учрашуви анъанавий тусга киргани ишбилармонлик йўлидаги кўплаб муаммолар ечимига хизмат қилаётир. Бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга бўлаётган омил изчилликдир. Чунки ҳоҳлаймизми-йўқми, соҳа бир жойда депсиниб тургани йўқ. Дунёга интеграциялашуви теран ва жадаллашган сари ҳал этилиши зарур бўлган масалалар юзага қалқиб чиқаверади. Энг муҳими, жараён изчил давом этиб, муаммолар босқичма-босқич бартараф қилинмоқда. Бунинг учун соҳа қозонида қайнаётган одамлар билан учрашув олдидан мулоқотлар ўтказилиб, баъзи масалалар йўл-йўлакай ечимини топмоқда.



Нуриддин НУРИТДИНОВ,
“Науат” клиникаси раҳбари,
тиббий фанлари доктори

2021 йил 20 августда Президентимизнинг тадбиркорлар билан илк очик мулоқотида қатнашганим ҳамон эсимда. Узим тиббиёт соҳаси вакили бўлсам-да, хусусий клиника раҳбари, аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган ишбилармон сифатида тақлиф этилгандим. Бироқ сўзга чиқиб, тақлиф айтиш имкони бўлмаган. Орадан бир йил ўтиб, 2022 йил 18 мартда давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан очик мулоқотида мана шундай шароит пайдо бўлди. Анжуманлар саройида мингдан ортиқ, ҳудудлардаги студияларда 20 мингга яқин тиббиёт ходими, аҳоли вакиллари иштирок этган учрашувда хусусий тиббиётни ривожлантириш бўйича фикр-мулоҳазаларимни билдирдим. Келгусида кўриб чиқиш

учун тақлифларимни айтдим. Шундай қилиб, уларнинг мақбуллари қўнунчилик даражасида маъқулланиб, ҳаётга таъбиқ этилди.

Биринчиси, олий тиббий таълимдан кейинги таълим, яъни ординатуранинг хусусий клиникалар базасида очилиши эди. Бу орқали ОТМларга тушадиган юкларни камайтириш баробарида хусусий клиникалар учун зарур малакали кадрлар тайёрлаш мумкин бўлади. Президентимизнинг тегишли қарори эълон қилинган, моддий-техник базаси муайян талабга жавоб берадиган хусусий клиникаларда клиник ординатура очилди. Жумладан, мен раҳбарлик қиладиган “Науат” тиббиёт марказида ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган намунавий ўқув дастури асосида

кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Кейинчалик унга замонавий мутахассислар ўрганиши керак бўлган бошқа зарур фанларни ҳам қўшидик. Бугун кардиология, неврология ва урология йўналишида машғулотлар ўтиляпти. Асосий эътибор амалиётга қаратилади. Бундан ташқари, номзодлар бепул таълим олиши учун махсус грантлар ажратилади. Ўқиниш тамомлагач, улар клиниканимизда ишлаши мумкин. Президентимизнинг мана шу қўлаб-қувватловни туфайли биз биратўла иккита муаммони ҳал қилдик: кадрлар тақчиллигини камайтириш ва малакали ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш.

Иккинчи тақлифимиз хусусий тиббиёт муассасаларига ер солиғи бўйича имтиёзлар беришга доир эди. Давлатимиз раҳбари буни ҳам инobatта олди. Шундай қилиб, соғлиқни сақлаш муассасалари эгаллаб турган ер (туризм зонасида жойлашган санаторий-курорт муассасалари бундан мустасно) солиқ солинмайдиган ер участкаларини рўйхатига киритилди. Мазкур чора соҳада қулай ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга катта туртки бўлмоқда. Чунки бошқа чакана кўчмас мулк объектларига қараганда клиника барпо этиш учун катта ер участкаси зарур. Масалан, самарали фаолият юратадиган кўп тармоқли клиника куриш учун камида 1000 квадрат метр жой керак. Табиийки, бунча ер майдонини учун тўланадиган солиқ суммаси ҳазилакам пўл бўлмайди.

Шунингдек, учрашувда хусусий тиббиёт соҳасига доир қатор масалалар ечимини топди. Биринчи: мамлакатимиз ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслардан доволлаш муассасалари томонидан ундирилмайдиган туристик (мехмонхона) йиғим бекор қилинди.

Иккинчи: 2025 йил 1 январга қадар хорижий, юридик шахслар томонидан, шу жумладан, лизинг шартномалари бўйича олиб қилиладиган янги тиббий техника, бутловчи

қисмлар, тиббий техника учун эҳтиёт қисмлар ва сарф материаллари учун божхона имтиёзлари берилади.

Учинчи: тиббиёт ускуналари ва буюмларининг эҳтиёт қисмлари ҳамда тиббий мақсадда ишлатилмайдиган сарфлаш материалла-



рини 2025 йил 1 январга қадар мамлакатимиз ҳудудида олиб киришда қўшилган қиймат солиғи олинмайди.

Тўртинчи: 2022 йил 1 апрелдан юқори малакали ва малакали мутахассислар тоифасига кирмайдиган бошқа чет эл фуқароси бўлган шифокорларга юртимиз ҳудудида меҳнат фаолиятини юритиш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома берилганлик учун йиғим миқдори 6 баробар камайтирилди.

Бешинчи: нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббиёт олий таълим муассасаларининг

клиник базалари ташкил этилиб, уларда шифокор ва ҳамширалар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлашга руҳсат этилган.

Олтинчи: “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга биноан,

хусусий тиббиёт муассасалари тиббий хизматларни реализация қилиш бўйича айланма солиқдан озод этилган.

Бугунги тиббиёт тизимидаги энг катта ўзгаришлардан бири шуки, давлат шифоналари билан бирга хусусий медицина ҳам ривожланимоқда. Ҳозир хусусий клиникалар деярли барча йўналишларда фаолият юритмоқда. Аҳолига аниқ ташхис қўйиш ва даволлашда давлат шифоналарига тушадиган юкларни камайтиришга кўмаклашмоқда.

Давлат тиббиёт муассасалари ва хусусий клиникалар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги муҳим масала маълумотларни рақамлаштириш билан боғлиқ. Бу жараён оилавий поликлиникаларда тўлиқ бажарилса, хусусий тиббиёт муассасалари билан маълумот алмашиш осонлашади. Қайта кўриб ва тахлиллар анча камаяди. Одатда бемор ҳақидаги кўп тиббий маълумотлар фақат қоғозда, яъни анкета дафтарида мавжуд. У анкетани ўзи билан доим олиб юролмайди. Шу боис, бошқа шифохонага бора, соғлиғи ҳақида маълумот йиғишга вақт ва ортқача пўл кетади.

Чет элда бу масала ID карта тизимини жорий этиш орқали ҳал қилинган. Бемор қайси шифохонага боришидан қатъи назар, ID картасини доим ўзи билан олиб юради. Унда шахсга доир маълумотлар, олган эмланмалари, йиллар давомида ўтказилган текширувлар натижаси, фуқаро чалинган касалликлар, қилинган муолажалар, муайян дориларга таъсирчанлиги — ҳаммаси электрон шаклда сақланади. Бизда эса бу маълумотлар оилавий поликлиника архивида туради. Табиийки, беморнинг қўлига берилмайди. Шунинг учун ҳам бемор бошқа муассасасига борганда қийналиди. Ҳамама текширувдан бошқатдан ўтиши керак. Бу эса тор ихтисосликдаги мутахассислар ишлайдиган муассасалардан ўтиш учун беморнинг бир-икки кун вақти кетади. Ваҳоланки, керакли маълумотлар анкетасида мавжуд. Уша анкета рақамлаштирилса, бу муаммо ечилади. Бемор борган барча тиббиёт муассасалари ID картага керакли маълумотларни киритиб қўяди. Масалан, рентген тасвирини, компьютер томографияси ёки лаборатория таҳлили натижасини — барчаси шунга киритилади. Табиийки, бу маълумотлар электрон базада доим кўриниб туради.



Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Қўқон шаҳридаги Тепакўрғон ёдгорлигини топшишимиз осон бўлмади. Шаҳар марказига яқин ҳудудда, атрофи кўп қаватли уй-жой ва иншоотлар билан ўраб ташланган тепалик кўзга яққол кўринмайди. Сўраб-суриштириб билдикки, ноёб ва ноҳир археологик ёдгорлик “Яланғоч ота” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган экан.

Хужра олдини супуриб-сидираётган кичик жуссали аёл Тепакўрғон археологик ёдгорлигига кўп қаватли уйлар учун қурилган темир гаражлар ортидаги эшикдан киришимизни айтиб, бизга йўл кўрсатди.

Манбаларда ёзилишича, Қўқон Марказий Осмёнинг қадимий ҳамда нуфузли шаҳарларидан бири сифатида машҳур бўлган. Адабий муҳити, қоғози, араваси, ўймакорлик, наққошлик, кандакорлик, китобат ва хаттотлик мактаблари билан шаҳар довруғи оламга ёйилган. Лекин қадим масканининг қачон ташкил этилгани ҳақида тадқиқотлар олиб борилмаган, аниқ маълумотлар йўқ эди.

Баланд қум уюмларидан ҳосил бўлган, ўт-ўлан босган тепаликка қадам қўяр эканмиз, тарих тилсимотларига тўла, ҳаёт сир-синоатлари яширинган қадим маскан олдида бир зум ўйга толдик.

Тепакўрғон археологик ёдгорлигида олиб борилган қазилмалар, илон изли сўққоқ йўлаклар осори атиқалар томон етказилгандай гўё. Бу ерда археологик қазилма ишлари вақтинча тўхтатилгани учун тепалик кимсасиз. Бирон-бир ноҳир жисмини босиб олмаслик, осори атиқаларга озор етказмаслик илҳижда оҳиста қадам ташлаймиз. Дунё талатўпларига гувоҳ бўлган қадим тепалик узоқ йиллар тадқиқ этилмаган, ёдгорлик ҳақида ҳеч кимга лом-мим дейилмаган.

Баланд ўрқали тепаликка кўтарилиб, кўҳна Қўқонга назар соламиз. Обод масканлар кўзга яққол ташланади. Кўнгилга хотиржамлик ингандай бўлади. Узоқ йиллар қаровсиз қолган тепалик энди эски шаҳар ҳаёт тилсимотлари ҳақида ҳикоя қиладиган аяиб маскан, оқиқ осмон остидаги музейга айлиб бораётгани кўнгилга тасалли беради. Беихтиёр гурурланасиз киши! Бу бежиз эмас, албатта.

Президентимиз жорий йилнинг 11-12 июль кунлари Фарғонага ташрифи чоғида вилоятнинг туризм ҳалқасини яратиб, маҳалли ва хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида фикр билдирган эди. Бунинг учун сайёҳларни жалб этидиган муҳит яратилиши керак. Шу маънода, Тепакўрғон археологик ёдгорлигини реконструкция қилиб, оқиқ осмон остидаги музей ташкил этиш таклифи илгари сурилган. Бу хайрли иш кенг жамоатчилик, тарихчилар томонидан катта хурсандчилик билан қарши олинди.



— Шаҳар ёшини аниқлаш бўйича археологик тадқиқотлар — қазил ишлари 2008 йилда бошланди, — дейди Қўқон давлат музей-қўриқхонаси илмий ходими Яхёҳон Дадабоев. — Дастлаб реконструкция, яъни қазилмадан жойларни аниқлаш ишлари ўтказилди. Шаҳарнинг мўсуллар босқинидан сўнг сақланган қолган тўрт қўрғони — Оқтепа, Калвак қўрғон, Эскиқўрғон, Тепакўрғон каби жойлари аниқланди. Қўқонсой ва Оқтепасой бўйида қазилмадан жойлар белгиланди. Қазув ишлари шаҳар жанубидаги Мўйи Муборак ёдгорлиги ҳудудидан бошланди. Бир йиллик тадқиқотлар асосида беш метр чуқурликда учта чоҳ қазиб кўрилди. Натижада беш юз донадан ортиқ археологик материал — сопол



идишлар, уларнинг парчалари, қайроқ тошлар, тош келича, темир қуролларнинг парчалари ва бошқа осори атиқалар топилди. Миллодий эранинг биринчи асрига оид йирик иншоотнинг пойдеворлари очилди. Қазув ишлари шаҳарнинг яна бир қадимий маскани — Тепакўрғонда ҳам олиб борилди. Бу ердан ҳам кўплаб идиш-товоқ парчалари, меҳнат ва жанговар қурол бўлаклари топилди. Идишлар юқори даражадаги технология асосида яратилган. Хусусан, сопол идишлар бежиримлиги, нафис шакли, юпқалиги, ноизлиги билан ажралиб туради. Кўринадики, улар яхши ишланган, аъло сифатга эга. Демак, хунармандчилик анча тараққий этган.

Топилмалардан ўрин олган камалак ўқининг темир учи тадқиқ этилганда, бу ерда металсозлик ва қуролсозлик тараққий этган йирик аҳоли пункти бўлгани аниқланди. Уларнинг яратилган даври миллодий эранинг боши ва миллодий эрадан аввалги биринчи асрга оидлиги тасдиқланди.

Тепакўрғонда олиб борилган қазилма ишлари шу билан поёнига етгани йўқ. 2011 йилда кенг кўламли археологик қазилмалар амалга оширилди. Натижада бу ерда миллоддан аввалги биринчи ва миллодий аср бошларида урбанизациялашган қароргоҳ шаклангани ва араблар босқинига қадар фаолият кўрсатгани маълум бўлди. Очилган тарихий қазилмалар

консервация қилинган. Шу билан бирга, ушбу ҳудуднинг бир қисми ўтган асрнинг 20-30-йилларида қатагон сиеватининг “ўлим тегири”га айланиб, киши билмас кўмиб юборилган ҳамюртларимиз хоқлари борлиги ҳақидаги маълумотлар ошқор этилди.

— Мудҳиш қатагон йилларида бу жой қатлоғга айланган. Қатагонга учраган маҳкумлар шу ерда қатл қилиниб, йиғирма-ўттизта лаб шахид битта чуқурга кўмиб юборилган. Шу туфайли бу жойни ўзига хос хотира маскани деб ҳисоблаш мумкин, — дея гапира давом этди Яхёҳон Дадабоев. — Бугунга қадар машҳур тузум қўрбони бўлган



1222 йилда мўғул босқинчилари Қўқонни қамал қилиб, оломлайди. Сўнг Сарқўрғондаги тўғонни бузиб, шаҳарни сувга бостиради. Фақат тўртта қўрғон оролча тарзида сув сатҳидан кўтарилган туради. Шу қўрғонлардан бири ҳозир Тепакўрғон деб айтаётган Хўқандқўрғондир. Бу қўрғон остида шаҳарнинг қадимий — икки-икки ярим минг йиллик қалъа ва ўрдалари қолдиқлари борлиги археологик тадқиқотлар асосида аниқланди.

Тарихчиларнинг шаҳодат беришича, “Тепакўрғон археологик ёдгорлиги” мажмуасининг умумий майдони 1,6 гектардан ортиқки ташкил этади. Абдурахимбий 1733 йилда вафот этган, тахта укаси Абдукаримбий ўтиради. У ўрдани шаҳар маркази — Чорсу майдони яқинига кўчиради. Бу ерда бир вақтлар Қўқон хонларининг “Қалъа Раимбий” деб аталган ўрдаси жойлашган эди. Собиқ ўрдани жаъни — Абдурахимбийнинг ўғли Эрдонабийга қолдиради. Эрдонабий хонлик тахтига ўтирган, уни ўғиллари Довдуқлибек, Бекбўтабек ва Бойбўтабек ихтиёрига қолдиради. Улар тахт учун кураш қўрбони бўлган, бино сарбозхонага айлантирилган. 1815 йилги зилзила пайтида бинонинг бир қисми кулаб тушади. Сарбозхона бошқа жойга кўчирилиб, ўрни ташлашди ҳолатга келади ва фақат номигина сақланиб қолади. Аста-секин бино харобалари текисланиб, ўрни қабристонга айланади ва “Тепакўрғон қабристон” деб ном олади.

— Президентимиз зиёрат хайри иш, миллат тарихини зиёрат қилиш эса янада улғунг неъмат эканини таъкидлагани бежиз эмас, — дейди Қўқон университети ректори, профессор Шероқ Мустафоқулов. — Давлатимиз раҳбарининг мазкур археологик ёдгорлиқни реконструкция ва консервация қилиб, “Очиқ осмон остидаги музей”га айлантириш ташаббуси бу борада янги имкониятлар эшикларини очди. Хўқанд миллодий эра бошларида нафақат йирик шаҳар, балки кичик давлат пойтахти бўлган. У ҳақда кўплаб тарихий манбаларда ёзилган. Қўрғон харобага айланган, узоқ йиллар давомида қабристон бўлган. Бу ерда кўплаб аллома, адиб ва мудarrisлар дафн этилган. Ушбу ёдгорлик 2019 йилда моддий маданий мерос объектлари миллодий рўйхатига киритилган. 2022 йилда олиб борилган археологик қазув ишлари натижасида ёдгорлик арқининг таркибий таркибини аниқланган.

Муҳими, Қўқон миллодий эра бошларида нафақат йирик шаҳар, балки чоргок бир давлат пойтахти бўлганини исботловчи далил — ўрда ва қалъа қолдиқлари топилди. Эрамининг I асри арафасида Қўқон барча шаҳарсозлик унсурлари билан Тепакўрғонда пайдо бўлган. Кейинроқ, яъни IV ёки V асрларда Фарғона (Парқана) конфедератив давлати таркибини жирувчи кичикроқ давлат пойтахтига айланган, шаҳристон ва қалъадаги иншоот қолдиқлари мавжуд бўлган қалин, маҳобатли остукурма (платформа) ҳамда қалъа деворлари бунга гувоҳлик беради.

1222 йилда мўғул босқинчилари Қўқонни қамал қилиб, оломлайди. Сўнг Сарқўрғондаги тўғонни бузиб, шаҳарни сувга бостиради. Фақат тўртта қўрғон оролча тарзида сув сатҳидан кўтарилган туради. Шу қўрғонлардан бири ҳозир Тепакўрғон деб айтаётган Хўқандқўрғондир. Бу қўрғон остида шаҳарнинг қадимий — икки-икки ярим минг йиллик қалъа ва ўрдалари қолдиқлари борлиги археологик тадқиқотлар асосида аниқланди.

Муҳими, Қўқон миллодий эра бошларида нафақат йирик шаҳар, балки чоргок бир давлат пойтахти бўлганини исботловчи далил — ўрда ва қалъа қолдиқлари топилди. Эрамининг I асри арафасида Қўқон барча шаҳарсозлик унсурлари билан Тепакўрғонда пайдо бўлган. Кейинроқ, яъни IV ёки V асрларда Фарғона (Парқана) конфедератив давлати таркибини жирувчи кичикроқ давлат пойтахтига айланган, шаҳристон ва қалъадаги иншоот қолдиқлари мавжуд бўлган қалин, маҳобатли остукурма (платформа) ҳамда қалъа деворлари бунга гувоҳлик беради.

1222 йилда мўғул босқинчилари Қўқонни қамал қилиб, оломлайди. Сўнг Сарқўрғондаги тўғонни бузиб, шаҳарни сувга бостиради. Фақат тўртта қўрғон оролча тарзида сув сатҳидан кўтарилган туради. Шу қўрғонлардан бири ҳозир Тепакўрғон деб айтаётган Хўқандқўрғондир. Бу қўрғон остида шаҳарнинг қадимий — икки-икки ярим минг йиллик қалъа ва ўрдалари қолдиқлари борлиги археологик тадқиқотлар асосида аниқланди.

Муҳими, Қўқон миллодий эра бошларида нафақат йирик шаҳар, балки чоргок бир давлат пойтахти бўлганини исботловчи далил — ўрда ва қалъа қолдиқлари топилди. Эрамининг I асри арафасида Қўқон барча шаҳарсозлик унсурлари билан Тепакўрғонда пайдо бўлган. Кейинроқ, яъни IV ёки V асрларда Фарғона (Парқана) конфедератив давлати таркибини жирувчи кичикроқ давлат пойтахтига айланган, шаҳристон ва қалъадаги иншоот қолдиқлари мавжуд бўлган қалин, маҳобатли остукурма (платформа) ҳамда қалъа деворлари бунга гувоҳлик беради.

Мулоҳаза

БЕЛИНГДАГИ БЕЛЪОҒИНГ ҚАНИ?

Талабалар билан ишлаш, мулоқот қилиш менга ҳамisha қизиқ, завқли туюлган. Ёшлиқнинг кучи, шиддати, ҳатто адабиётлари билан одамни ўзига тортади. Касб тақозоси билан талабаларга дарс беришим туфайли уларга қараб, ёшлигим, талабалик даврларим эсимга тушади. Худди ўз фарзандимга қарагандай, уларга ҳам меҳр, ҳам алағдалик билан қарайман, имкон қадар кўмаклашишга интиламан.

Нодира САИДАҲМЕДОВА, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети проректори

Аммо... Бугунги куннинг талабасига, айниқса, ўғил болаларга қараб, уларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб туриб, бир оз ранжирман ҳам. Айни шу аснода машҳур тарихнавис Геродотнинг Миср эҳромларидега ёзилган биткини ўқигани ва уни бизгача ёзиб-етказиб келгани ёдимга тушади: “Ёшлар бузилиб кетяпти, нима қилмоқ керак? Эҳ, ёшлар...”. Шу биткини ўн минг йиллар аввал эҳромнинг тошларига ёзишган экан. Буни Геродот ўқиган.

Демак, ҳамма даврларда ҳам ёши катталар ёшлардан рози бўлмаган экан-да дейман ва ўзимга саволим кўпаяверади.

Бироқ ўғил болаларнинг, талаба ёшидаги фарзандларимизнинг феъл-атворидега ўзгаришлар мени безовта қиладди.

Бундай дейишимга сабаб бор, албатта. Бир оз олдин, талабаларимиз ёзги таътилга кетиш арафасида катта йўл четидеги бекал ёнида турган йиғит билан қизнинг суҳбатига тасодуфан гувоҳ бўлиб қолдим.

— Агар сиз уйдагиларингизга айтсангиз, рози бўлади-ку, — деди қиз. — Ҳали 3-курс-миз. Тошкентда яшаймиз деб ваъдалашган-миз-ку?

— Мен-ку айтаман, — чайналди йиғит. — Лекин сен даданга уй олишимиз зарурлиги-



ни айтишим керак. Бизда пул йўқ! Даданга пул кўп-ку... — Бўпти. Дадан уй олиб берадилар. Уйда турган “Spark”ни ҳам менга бераман деганлар... — “Spark”? Атигимиз? — Вой?.. Бу суҳбатни бошқа тинглагим келмай қолди. Ичимада бир гашлик турди. “Таба, йиғит одам...”

Талабалар пайтимиздаги бир воқеа эсимга тушди. Битта гуруҳда ўқийдиган иккита дугонам билан кечки пайт кутубхонадан чиқиб, ётоқхонамизга шошилибгина келаётган эдик. Дарахтзорлар орасидан ўтган йўлакда тўртта йиғит кутиммаганда қаршимиздан чиқди ва йўлимизни тўсди. Қўлларидега тутган пичоқларининг тиги чи-



роқ шуъласида ялтираб кетди. “Сумкадаги борини чиқарларинг! Зирагингни еч...”, деган дағдағасидан кўрқиб кетдик. Нима дейишни билмай, доллашга тушдик. Шу пайт дарахтзор орасидан иккита йиғит кўринди. Улар бу ердаги воқеадан хабар топган заҳоти ҳалиги безорилар билан муштлашиб кетди.

Ийғитларнинг муштлашиб қолганидан фойдаланиб, ётоқхонамиз томон ура қочдик. Узоқлашарканмиз, ҳалиги бизни кўтариб қолган йиғитларнинг бирови шундай деб ҳайқирди:

— Қиз боладан нарса тиланишга уялмайсанми, аҳмоқ?! Биз у йиғитларни қайта кўрмадик. Кутубхонага борар бўлсак ҳам имкон қадар эртароқ қайтишга ҳаракат қиладиган бўлдик.

Ўша йиғитлар бугун қани? Борми ҳалиям? Албатта, бор. Аммо қамайиб кетмоқда. Бу фикримга кимдир қўшилмаслиги мумкин. Шундай бўлса-да, масаланинг замирига нигоҳ ташлашимизни истар эдим.

Бугун замон тезлашиб кетди. Ёшларга даврининг ўзи берган имкониятлар беқиёс. Лекин бундан биз унумли фойдаланяпмизми? Мактаб ўқувчисининг қўлида ҳам смартфонлар бор бугун. Иجتимий тармоқлардан оқиб келаётган турли ахборотлар, маза-матраси йўқ сериаллар фарзандларимизни биздан тортиб олмақда. Шу ўринда айтиш лозимки, бугунги кун боласига ҳам осон эмас. Мактаб-ларимизнинг аксариятида ўқитувчиларнинг катта қисми аёл кишилар. Ўғил болалар мактабда аёл кишидан сабоқ оляпти. Албатта, аёллик, оналик, устозлик меҳрининг ўрни бўлак, бироқ қаттиққўлроқ эркак кишининг, эркак муаллимнинг ўрни барибир бошқа экан.

Президентимиз ҳамма эътиборни таълимга, айниқса, мактаб таълимига қаратиш зарур эканини таъкидлаб, муаллимнинг нуфузини кўтариш керак дег сўз айтиб турган бугунги паллада мактабларимизда эркак муаллимнинг нуфузи, обрўси, ўрни янада муҳим экан.

Бугун дунё мамлакатларининг эшиклари бугун Ўзбекистон учун очик. Барча жабҳалар каби меҳнат экспорти ҳам ривожланиб кетди. Хорижда ишлаётган ўзбекларнинг нафақат ўз оиласи, балки жамият ривожини учун ҳам моддий аҳамияти катта бўлмоқда. Бироқ уйдан олисда юрган эркакнинг уйдиги ўғил-қизлари ота назоратидан бир оз четда қолаётгани ҳам бор гап. Бу ҳам бўлса, уларни келгусида йиғитлик масъулиятдан қалгитаетгандек...

Йиғитлик масъулияти, аввало, орият, мардлик, ватан манфаати, дегани. Авваллари қизлар ҳарбий хизматга бормаган йиғитдан совчи келса, тегмас эди. Бу ҳам ўғил болаларимизнинг тарбиясига жиддий, ижобий таъсир қиларди.

Яқинда қўшимчи қизини узатди. Тўй кунини куёв ўз жўрлари билан замонавий машинада ҳовлига тантана билан кириб келди. Қизини шундаки, куёв ва дўстлари учун безатилган катта хонага кирган пайтда куёв ўз ўрнига ўтирмай, ҳаммани хуноб қилди. Дастлаб қизнинг онаси, сўнгра отаси ҳам ўша хонага кириб, ул-бул нарсалар ваъда қилди. Куёвимиз сўнг ўз ўрнига чўққалади.

Ваъда қилинган нарса нима экан, биласизми? “Таскек” машинаси. Ана сизга тайёр хангома. Қулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмайсан киши. Ҳашаматли машинани миниб, керилиб юрган куёвининг келини — аёлининг олдида қанчалик нуфузи қолар экан? Истаймизми-йўқми, бу ҳам ўзимизнинг муаммо, ўзимизнинг маънавий масала! Бунинг ечимини ҳам ўйлашимиз керак, албатта.

Бир педагог сифатида бу муаммоларнинг тўб негизда таълим ва тарбиянинг ўрни катта эканини кўраман! Богчадан, мактабларимиздан, қолверса, олий таълим даргоҳларидан бошлаб, фарзандларимизда орият тушунчасини, номус туйғусини уйғотиб боришимиз зарур! Мактабларда утиладиган “Чақирқочча ёшларни тайёрлаш” фанини янада чуқурлаштиришимиз жуда муҳим!

Сўзим аввалда тилга олганим — бекалдаги йиғит ва қизнинг суҳбати каби воқеаларга қайта дуч келмаслигимиз учун ҳам ўғлонларимизга қарата “Белиндаги белбоғинг қани, болам? Бу орият, нафсоният белбоғи эканини унутма!” дегим келади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЕЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

